

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Олий Мажлис текширув ўтказиш ҳуқуқига эга бўлди

Қонун ҳужжатларига қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назорати жараёнлари такомиллаштирилишига оид тузатишлар киритилди (10.08.2020 йилдаги ЎРҚ-631-сон Қонун).

Биринчидан, янги механизм – парламент текширув жорий этилади. Жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида парламент текшируви ўтказилади.

Қонунчилик палатаси ёки Сенат томонидан парламент текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади (қўшма қарор қабул қилиниши ҳам мумкин) ҳамда уларнинг вакилларидан иборат Комиссия тузилади, у:

- давлат органларининг, ҳўжалик бошқаруви органларининг вакилларини, мутахассисларни, экспертларни ва олимларни комиссия ишига жалб этишга ҳақли;
- давлат органларидан, ҳўжалик бошқаруви органларидан, бошқа ташкилотлардан, шунингдек фуқаролардан зарур маълумотларни сўраб олишга, уларни тушунтириш бериш учун тақлиф этишга ҳақли;
- Парламентнинг тегишли палатасини бажарилган ишлар тўғрисида белгиланган муддатда хабардор қилади.

Иккинчидан, Қонунчилик палатаси ва Сенатга давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш ҳуқуқи берилди. Бу ҳуқуқат аъзоларига нисбатан белгиланган тартибга кўра амалга оширилади.

Учинчидан, парламент сўрови, сенаторнинг сўрови, Қонунчилик палатаси ёки тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатининг сўровига жавоб ким томонидан имзоланиши аниқлаштирилди. Жавобни ўз номига сўров юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вақтинча бажараётган шахс имзолайди.

Эслатиб ўтамиз, сўров куйидаги масалалар юзасидан асосланган тушунтириш берилиши ёки ўз позициясини баён этиш талабини ифода қилади:

➤ қонунлар, турли соҳалардаги давлат дастурлари ижроси ҳамда давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари юритувидаги бошқа муҳим масалалар юзасидан – парламент сўрови;

➤ тегишли ҳудудларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан – сенатор сўрови;

➤ тегишли сайлов округи сайловчиларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан – депутат сўрови.

➤ Статистикага кўра кўпгина сўровларга жавоблар сўров юборилган манзилдан берилмаётганлиги тузатишлар киритишни тақозо этди. Масалан, 2018 йилда юборилган 207 та парламент сўровига бошқа мансабдор шахслар томонидан имзоланган 120 та жавоб олинган. 2019 йилда 175 та (72%) депутат сўровига тегишли органлар раҳбарларининг ўринбосарлари, 13 та (5%) сўровга – тобе ташкилотлар раҳбарлари, 2 та сўровга (1%) – бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан жавоб берилган.

Тўртинчидан, куйидагилар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти киритган қонун лойиҳасини биринчи



ўқишда кўриб чиқиляётганда иштирок этиши ва маъруза билан сўзга чиқиши мумкин:

➤ Жўқорги Кенгес, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий ва Олий судлар – улар тайинлаган вакил орқали;

➤ Президент ва Бош прокурор – шахсан иштирок этиши ёки вакил тайинлаши;

➤ Қонунчилик палатаси депутатлари – шахсан иштирок этиши.

Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги қарорда кимлар лойиҳани кўриб чиқишда иштирок этиши ва маъруза билан сўзга чиқиши кўрсатилади.

Бешинчидан, Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари мақоми белгиланди. У:

➤ халқаро парламент ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантиради, бошқа давлатларнинг парламентлари ва халқаро парламент ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича бошқа тузилмалар (парламентлараро гуруҳлар, комиссиялар, кўмиталар, ишчи гуруҳлар ва бошқалар) фаолиятини мувофиқлаштиради, парламентлараро дипломатияни ривожлантиради, халқаро шартномаларнинг ҳукумат томонидан бажарилишини назорат қилишга доир ишларни ташкил этади, ташкилий ва бошқа вазифаларни бажаради;

➤ ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради ва фракция таркибига кириши мумкин эмас;

➤ Қонунчилик палатаси кўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 10.08.2020 йилдан кучга кирди.

Чет элдаги ишга жойлаштириш учун ҳақни ким тўлайди

«Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Қонунга тузатишлар киритилди (13.08.2020 йилдаги ЎРҚ-632-сон Қонун). Улар 3 ой ўтган кучга қиради.

Хусусий бандлик агентликлари (ХБА) мамлакатимиздан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштирганлик учун фуқароларнинг ўзидан ҳақ ундириш тақиқланади – ушбу хизматлар ҳақини иш берувчилар тўлаши керак. Фуқароларга ушбу тақиқ ҳақида ёзма шаклда билдиришнома берилади. Агентлик томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда мурожаат қилиш учун билдиришномада

ХБА ва Меҳнат вазирлигининг почта манзиллари ва телефон рақамлари ҳам кўрсатилиши керак.

Шу тариқа, тузатиш одамлардан ҳақ ундириб, бироқ уларни ишга жойлаштириш бўйича мажбуриятларини бажармайдиган ноҳалол агентликлардан ҳимоя қилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан бундай фактлар бир неча бор қайд этилган, сўнгги вақтда 10 нафар ХБА раҳбарига нисбатан жиноий иш кўзгатишди. Уларнинг ноқонуний фаолиятдан 7 123 нафар фуқаро жами 72 млрд сўмдан ортиқ миқдорда зарар кўрган.

Тегининча, ХБА эҳтимолий меҳнат мигрантларини ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш

учун чет эллик иш берувчи ва (ёки) шерик билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузади. Ушбу ёзма шаклда тузилган ҳужжатда куйидагилар акс эттирилади:

➤ касб ёки мутахассислик тури, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори, ажратилган квоталар сони, иш вақтининг давомийлиги, иш жойига ва иш жойидан транспортда ташиш, ишдан маҳрум бўлган тақдирда ижтимоий ҳимоя қилиш, санитария-гигиена тадбирларини ҳамда тиббиётга оид бошқа тадбирларни ташкил этиш, меҳнат ва дам олишни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги юзага келган тақдирда компенсация олиш тартиби ва бошқа шартлар;

➤ тарафларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги;

➤ шартноманинг муддатлари, уни ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби, шунингдек унинг бошқа шартлари.



Ушбу
сонда:

5-БЕТ

Ҳовлимизда яна
қурилиш бошланди...

6-БЕТ

Табелда қоровулнинг иш кунларини
қандай тўғри кўрсатиш лозим?

7-БЕТ

Бош бухгалтерни директор истаган
шартга кўра ишдан бўшатиш

8-БЕТ

Ахборот маҳсулотига
мулкый ҳуқуқ олмақчиман

Чет элдаги ишга жойлаштириш учун ҳақни ким тўлайди

1-бетда

Шартноманинг матни агентликнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилиши керак. Шартномани тузмасдан хизматлар кўрсатиш тақиқланади.

ХБА фуқароларни чет элдаги ишга жойлаштириш билан шугулланиш учун Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги махсус жамғармада захира қилиб қўйиши керак бўлган сумма кўпайтирилади. Ҳозир у \$50 мингга ташкил этади, энди эса 8 500 БҲМ бўлади. Эслатиб ўтамиз, захира қилинадиган сумма сарфланган тақдирда маблағларнинг ўрнини тўлдириш зарур, лицензия тугатилган ёки бекор қилинган тақдирда эса улар қайтарилиши лозим.

ХБА ишга жойлаштириш соҳасида тақдим этадиган ахборот ва маслаҳат хизматларининг «чегараланган қиймати» ҳам белгиланади. Уларнинг қиймати 1 БҲМдан ошмаслиги керак. Ўз навбатида, бундай хизматларни бепул асосда кўрсатиш имконияти истисно этилади.

Қўшимча назорат дастаклари жорий этилади: **биринчидан**, ХБА хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказишлари шарт – буни Меҳнат вазирлигининг «labor-migration» тизимида онлайн-режимда амалга ошириш мумкин; **иккинчидан**, Меҳнат вазирлиги ХБАнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятига аралашмасдан уларни тек-

шириш ҳуқуқига эга. Бунда текширувлар Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида уларни рўйхатдан ўтказиш орқали бизнес-омбудсманни хабардор қилиш тартибиде ўтказилади. Ушбу жараёнда вазирликнинг вакиллари:

➤ худудлар ва биноларга монеликсиз киришлари; ➤ текширувга тааллуқли барча зарур ҳужжатлар билан танишиб чиқишлари;

ХБАнинг мансабдор шахсларидан текширув ўтказиш чоғида аниқланган қоидабузарликлар фактлари юзасидан ёзма тушунтиришлар, шунингдек ҳужжатларнинг зарур бўлган, тегишли равишда тасдиқланган кўчирма нусхаларини олишлари мумкин.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 13.08.2020 йилдан кучга кирди.

Ўзбекистонда Skills Passport тизими жорий этилади

Президентнинг 11.08.2020 йилдаги ПҚ-4804-сон қарори билан мамлакатимизда касб-хунарга ўқитиш соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланди.

Ҳужжатга мувофиқ қуйидагилар ташкил этилади:

а) 2021 йил 1 январга қадар – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда «Ишга марҳамат» мономарказлари;

б) бир ой муддатда:

➤ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Меҳнат вазирлиги тизимидаги касб-хунарга ўқитиш марказлари;

➤ пойтахт туманларида қисқа муддатли касб-хунарга ўқитиш курслари (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда);

в) 2 ой муддатда – маҳалла аҳолисини касб-хунарга ўқитиш масканлари (Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда).

2021 йил 1 январдан бошлаб «Ишга марҳамат» мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари битирувчиларининг касбий малакаси WorldSkills стандартлари асосида баҳоланади. Баҳолашдан муваффақиятли ўтган битирувчиларга мамлакатимизда ва хорижий давлатларда тан олинган Skills паспорти берилади. Касбий малакаси тасдиқланган битирувчиларнинг Ягона реестри шакллантирилади. Мономарказлар ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари томонидан берилган ҳужжат ҳамда Skills паспорти ўрта махсус, касб-хунарга таълими дипломи даражасига тенглаштирилади, бироқ таълимнинг кейинги турини давом эттириш учун асос ҳисобланмайди.

Параллель равишда соҳада хусусий секторни фаол ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Рағбатлантирувчи чоралар сифатида преференциялар жорий этилмоқда.



Давлат ва нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларида меҳнат органлари йўлланмаси билан юборилган ишсиз фуқароларни ўқитиш харажатлари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан, бошқа фуқароларни ўқитиш харажатлари эса – қуйидаги манбалар ҳисобидан қопланади:

➤ фуқароларнинг ўз маблағлари; ➤ ўз ишчиларини касбий малакасини ошириш учун (касбий ўқитиш, қайта ўқитишга) юборган иш берувчилар маблағлари; ➤ янги ишчиларни касбга тайёрлаш учун буюртма берган ташкилотлар маблағлари; ➤ қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

2020 йилда тажриба ўтказилади, унинг доирасида: **биринчидан**, тадбиркорлик субъектларида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуйидагилар берилма бошлайди:

а) қуйидаги шартлар билан (банклар орқали) микрокредитлар:

Нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларини ташкил этган хусусий инвесторлар	Преференциялар тарзида: ➤ Меҳнат вазирлигининг «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказларининг, касб-хунарга ўқитиш муассасаларининг бинолари (уларнинг бир қисми)ни, маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига кўра бошқа бўш турган бинолар (уларнинг бир қисми)ни оператив бошқарувга ёки узок муддатли имтиёзли ижарага оладилар; ➤ ўқув дастури ва ўқитувчиларни мустақил танлаш ҳуқуқига эгалар; ➤ касб-хунарга ўқитиш марказлари биноларининг бир қисми билан бирга ўқув жихозлари ва анжомларидан имтиёзли равишда фойдаланиш имконига эга бўладилар; ➤ ўқув ташкил этган муассасаларда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан ўқитиш учун давлат буюртмасининг қафолатланган энг кам даражасини белгилашлари мумкин	Қуйидагиларни таъминлашлари шарт: ➤ касб-хунарга ўқитиш ва кўникмаларни баҳолаш сифатининг ташқи ва миллий меҳнат бозори талабларига мослигини; ➤ ишсиз, камбағал фуқароларни касб-хунарга ўқитиш харажатларини Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан тўланаётган давлат буюртмасининг миқдоридан оширмаслигини; ➤ касбий кўникмалари баҳоланаётган фуқаролар тўғрисида маълумотларни Тасдиқланган малакага эга шахслар миллий реестрига қўйиш учун тақдим этишни
Нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасалари битирувчилари	WorldSkills ва бошқа халқаро стандартлар даражасида касбий малака сертификатини (Skills паспорти) олган битирувчиларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан: ➤ касб-хунарга ўқитиш ва малака имтиҳонини топириш харажатлари қопланади; ➤ тадбиркорликка жалб этиш ва ўзини ўзи банд қилганлик учун рағбатлантириш субсидиялари ажратилади; ➤ ўз бизнесини бошлаш учун имтиёзли кредит ажратишга йўлланма берилади	

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

УШБУ СОНДА

● **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим эта-
миз **1-4-бетлар**

● **ДОЛЗАРЪ МАВЗУ**
– Томорқа ерлари қандай ҳо-
латларда олиб қўйилади **4-бет**

● **СИЗНИНГ ҲУҚУҚИНГИЗ**

– Ҳовлидаги қурилиш қонуний-
лигини қандай текшириш мум-
кин **5-бет**

● **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
– Нормаларга мувофиқлашти-
риш лозим
– Маълумотлар мос келмаган-
да

– Таътилнинг таътилдан фарқи
бор
– Директор бош бухгалтернинг
ишдан бўшатилишини чекла-
ганда
– «Таътилда турибоқ» иш-
дан бўшаш мумкинми? **6-7-бетлар**

● **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**
– Ҳисоботни тақдим этмаганлик
учун жазима
– Сақлаш хизматларига ҳақ тў-
лаш
– Интеллектуал мулк ва унга
бўлган ҳуқуқ **8-бет**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан таш-
қари холларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка
ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш,
электрон ва бошқа манбаларда қўйиш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан
тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Жойлаштириш хизматларини кўрсатиш ва хостеллар ташкил этиш тартиби тасдиқланди

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (10.07.2020 йилдаги 433-сон) билан қуйидаги низомлар тасдиқланган:

➤ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштириш бўйича хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом (1);

➤ Ўзбекистон Республикасида хостеллар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом (2);

➤ Турар жойларни ижарага беришнинг Ягона электрон реестрини юритиш ва уларни сертификатлаш тартиби тўғрисидаги низом (3).

Низомга (1) мувофиқ меҳмонхона хизматлари, шу жумладан уларнинг ҳажми ва сифатига доир талаблар, қонун ҳужжатларида бошқа талаблар назарда тутилмаган бўлса, бажарувчи ва ташриф буюрувчининг (буюртмачининг) келишувига биноан белгиланади. Бунда номер (жой) нархи бажарувчи томонидан мустақил белгиланади.

Меҳмонхона хизматлари доимий яшаш жойи, фуқаролик, жисмоний шахсларнинг қариндошлик ва никоҳ муносабатлари, шунингдек шахсий ҳаёт ҳуқуқини чекловчи бошқа омиллардан қатъи назар кўрсатилиши лозим.

Меҳмонхона хизматларини кўрсатиш ва улардан фойдаланишнинг ички қоидалари ташриф буюрувчига маълум қилинади. Жойлаштириш воситасига ташриф буюрувчининг келиш вақтидан бошлаб ва унинг кетишигача бўлган муддатда у банд қилган номерга (жойга) турар жой дахлсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари татбиқ этилади.

Жойлаштириш воситалари мажбурий равишда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги «Туризм хизматларини сертификатлаштириш маркази» ДУК томонидан сертификатланади ва белгиланган тоифага мувофиқ бўлиши керак.

Меҳмонхона тўғрисидаги маълумотлар ташриф буюрувчилар танишиши

учун қулай бўлган жойда, шунингдек расмий веб-сайтга (мавжуд бўлганда) жойлаштирилиши лозим.

Шунингдек Низомда қуйидагилар келтирилган:

➤ меҳмонхона хизматларини тақдим этиш, шу жумладан номерларни брон қилиш, бепул тараздаги хизматларни кўрсатиш тартиби;

➤ бажарувчи ва ташриф буюрувчининг жавобгарлиги.

Низом (2) хостеллар фаолиятини ташкил этиш ва хостел хизматларини тақдим этиш тартибини белгилайди.

Хостел эгалари фақат улар Оилавий меҳмон уйлари ва хостеллар ягона реестрига (*қейинги ўринларда* — *Реестр*) киритилгандан сўнг меҳмонхона хизматлари ва вақтинча яшаш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Реестрга киритиш учун аризага ёнғин хавфсизлиги ва санитария-гигиена назорати бўйича ваколатланган назорат органларининг хулосалари нусхалари, шунингдек хостелларнинг стандартлаштиришга оид норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.

Янгидан ташкил этилган хостеллар учун улардан фойдаланиш кунидан бошлаб бир йил давомида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ўрнига давлат комиссиясининг фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатномаси нусхаси ҳам тақдим этилиши мумкин.

Ваколатли орган хостелларнинг Низом ва стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқади. Мониторинг қуйидаги тартибда амалга оширилади:

➤ жойлаштириш воситалари ва улар томонидан кўрсатиладиган хиз-



матларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганиш орқали;

➤ хостелларга ташриф буюрувчиларни (туристларни) ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган шаклда анкеталаштириш йўли билан.

Низом (3) амалдаги автоматлаштирилган махсус электрон дастурда ижарага бериладиган турар жойлар ва яшовчилар ҳисобини юритиш, шунингдек сертификатлаштириш ва Турар жойларни ижарага беришнинг ягона реестрини юритишнинг тартибини белгилайди.

Низомда белгиланишича, жисмоний ва юридик шахслар тасарруфда бўлган, туристларга 30 кунгача ижарага бериладиган турар жойлар солиқ солиш мақсадларида рўйхатдан ўтказилади, шунингдек туристлар турган жойи бўйича вақтинча рўйхатдан ўтказилади. Улар турар жойлар Реестрга киритилгандан сўнг ижарага бериш ҳуқуқига эга бўладилар.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги «Туризм хизматларини сертификатлаш маркази» ДУК томонидан соддалаштирилган тартибда сертификатлаш амалга оширилади ва Реестр юритилади. Марказга он-лайн-режимда тақдим этилган аризалар ва илова қилинган ҳужжатлар бир кун ичида кўриб чиқилади. Ўрганиб чиқиш натижалари бўйича турар жой

Реестрга киритилади ва бу ҳақда турар жой эгасига автоматик режимда QR-коддан фойдаланган ҳолда хабар юборилади.

Ижарага берилётган турар жой «Турист хизматлар, жойлаштириш воситалари ва умумий талаблар»га мувофиқ бўлиши лозим. Ижарага берувчи турар жойдаги санитария-гигиена ва ёнғин хавфсизлиги учун жавобгар бўлади.

Реестрга киритиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун йигим ҳар бир турар жой учун қуйидаги миқдорларни ташкил этади:

➤ жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар) учун — БҲМнинг 50%;

➤ юридик шахслар учун — 1 БҲМ. Шунингдек Низомда қуйидагилар қайд этилган:

➤ турар жой эгасининг белгиланган талабларга риоя қилишини мониторинг қилиш тартиби;

➤ турар жой эгалари Туризм хизматларини сертификатлаш марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (*lex.uz*) эълон қилинган ва 10.07.2020 йилдан кучга кирди.

Лола Абдуазимова.

Қанча нақд валютани декларацияламасдан олиб кириш ва олиб чиқиш мумкин

Вазирлар Маҳкамасининг 10.08.2020 йилдаги 472-сон қарори билан Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш қоидаларига (1-илова, ВМнинг 30.01.2018 йилдаги 66-сон қарори) ўзгартиришлар киритилди. Улар 2020 йил 1 сентябрдан кучга киради.

«Нақд хорижий валюта» атамаси «Ўзбекистон Республикаси нақд валютаси» ва «нақд чет эл валютаси» атамалари билан алмаштирилди.

2020 йил 1 сентябрдан жисмоний шахслар томонидан эквиваленти 70 млн сўмга тенг ёки ундан ошмайдиган сумма доирасидаги нақд валюта маблағларини Ўзбекистонга олиб киришда ва мамлакатдан олиб чиқиб кетишда мажбурий ёзма декларациялаш бекор қилинади. Кўрсатилган сумма доирасидаги нақд валюта маблағларини йўловчи божхона декларациясида кўрсатмай олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш мумкин бўлади. Ушбу суммадан ортиқ миқдордаги нақд валюта маблағларини олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш чоғида жами сумма ёзма равишда декларацияланади.

Қиёслаш учун: ҳозир жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган ва олиб чиқиб кетиладиган 2 000 АҚШ доллари эквивалентидан ортиқча миқдордаги нақд хорижий валюта декларацияланиши лозим.

Эслатиб ўтамиз, жисмоний шахсларга божхона назорати қоидаларига риоя қилган ҳолда нақд валюта маблағларини чекланмаган миқдорда олиб киришга, эквивалентда 100 млн сўмга тенг ёки ундан ошмайдиган сумма доирасида олиб чиқиб кетишга рухсат берилган («Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддаси). Фақат қуйидаги шахслар кўрсатилган суммадан ортиқ миқдордаги нақд валюта маблағларини республика ташқарисига олиб чиқиб кетишлари мумкин:

➤ резидентлар — хорижий давлатларга хизмат сифатига кетаётган Ҳукумат делегацияси аъзолари учун Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши асосида;

➤ норезидентлар — республикага кириш чоғида расмийлаштирилган йўловчи божхона декларацияси асосида декларация қилинган маблағлар доирасида, шунингдек республикада белгиланган тартибда ташкил қилинган халқаро мусобақалар (танловлар,



олимпиадалар) совриндорлари ёки катнашчилари томонидан маблағларнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (*lex.uz*) эълон қилинган ва 1.09.2020 йилдан кучга киради.

Эльмира Сиразиева.

Соддалаштирилган тартибда импорт қилинадиган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхати қайта кўриб чиқилди

Вазирлар Маҳкамасининг

11.08.2020 йилдаги 474-сон қарори билан Ҳукуматнинг «Коронавирус пандемияси даврида дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар муомаласини тартибга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (22.07.2020 йилдаги 449-сон) ўзгартиришлар киритилди.

Ҳужжатда белгиланишича, COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларни даволашда қўлланиладиган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникаларнинг Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқиши (реэкспорт божхона тизими бундан мустасно) 1 октябрга қадар вақтинчалик тўқатилади. Илгари барча фармацевтика маҳсулотларини олиб чиқиш тақиқланган эди.

Бунда COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларни даволашда қўлланиладиган айрим дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникаларни экспорт қилишга Республика махсус комиссияси томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни



қисқартириш вазирлиги ҳамда Фармацевтика соҳасини ривожлантириш агентлигининг қўшма хулосаси асосида рўхсат берилади.

Қарор билан қуйидагилар тасдиқланган:

➤ Ўзбекистон Республикасида рўхсатдан ўтказмасдан ҳамда сертификатлаштирмасдан импорт қилинадиган, COVID-19 инфекцияси билан касаллан-

ган беморларни даволашда қўлланиладиган тиббий буюмлар ва тиббий техникалар рўйхати;

➤ Ўзбекистон Республикасида рўхсатдан ўтказмасдан, мажбурий сертификациялаштириш шарти билан импорт қилинадиган, COVID-19 инфекцияси билан касалланган беморларни даволашда қўлланиладиган дори воситалари ва биологик фаол моддалар рўйхати.

Дори воситаларининг янги рўйхатидан қуйидагилар чиқариб ташланган: умифеновир, меглюмина акридонатет, рибавирин, ритонавир, лопинавир, циклоферон, ивермектин, нелфинавир, ингаверин, анаферон, гроприносин, арелливир, сульфоксамфоксин 99,2 мг/мл, интерферон, гелофузин, дофамин ва криопреципитат.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 12.08.2020 йилдан кучга кирган.

Баҳодир Қаюмов.

Томорқа ерлари қандай ҳолатларда олиб қўйилади

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

? Карантин даврида томорқачилик билан шугулланмоқчиман. Томорқа ерларини олиш тартиби ва шартлари тўғрисида маълумот берсангиз?

– Деҳқон ҳўжалигига ер участкалари Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 55-моддасига ҳамда «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасида кўрсатилган ўлчамлар ва муддатларда туман ҳокимининг қарорига асосан берилади.

«Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасида деҳқон ҳўжалиги юритиш учун ер участкалари иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз берилиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Ер кодексида мувофиқ томорқа ерлар қуйидаги ҳолатларда олиб қўйилиши мумкин:

1. Ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда.
2. Ер участкаси берилган муддат тугаганда.
3. Юридик шахс тугатилганда.
4. Ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда.
5. Ер участкасидан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашуви-га олиб келадиган унсурлар билан фойдаланилган тақдирда.

6. Қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи, мунтазам тўланмай келинганида.

7. Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгашлари раёсатининг қарорига мувофиқ деҳқон ҳўжалигининг Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолиги тугатилганда.

? Кўпинча ерни ҳужжатлари қалбаки эканлиги ёки бу ерни бир неча кишига сотилгани ҳақида эшитамиз. Шундай ҳолатларга тушиб қолмаслик учун ер сотиб олаётганда нималарга эътибор бериш керак?

– Уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер участкалари масаласига келсак, бугунги кунда ер участкасини сотиб олишингиз ноқонуний. Сабаби қонунчиликка асосан фақат мулк ҳуқуқида бўлган ер участкасини сотиш ёки сотиб олишингиз мумкин.

Агарда ер участкасида уй-жой қурилган ва ушбу бино ва иншоотга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса, у ҳолда сиз ушбу уй-жойни (ер

участкасини эмас) нотариус орқали сотиб олишингиз мумкин. Бунда сиз сотиб олган уй-жойнинг ер майдонига бўлган ҳуқуқи ҳам сизга ўтишини маълум қиламиз.

Шуни ҳам эслатиб ўтишимиз зарур, нотариал расмийлаштирилгандан сўнг, ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун нотариус орқали мурожаат қилинади ва кадастр корхоналарига шахсан мурожаат қилишингиз шарт эмас.

? Фермердан 8 сотих ер олган эдим. Унга қурилиш қилдим. Бироқ ҳужжатларимни расмийлаштириб бермаяпти. Бу иш юзасидан қаерга мурожаат қилсам бўлади?

– Бугуннинг энг ачинарли ҳолатларидан бири мана шундай масалалар ҳисобланади. Сабаби фермерлар ва бошқа бир қўштинроқ ичидаги уддабу-ронлар оддий халқни йўлдан уриб, ерларнинг қонуний ҳужжатини тайёрлаб бераман, ерни олиб туриш ўзим қараб тураман қабилида ҳамон ер сотиш билан шугулланиб келмоқда.

Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш ва ер тўғрисида қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида 2019 йилнинг 4 март куни ерларни муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгар-лик тўғрисидаги кодекси ҳамда Солиқ кодексининг бир қанча моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб тегишли чоралар кўрилмоқда.

Масалан, Жиноят кодексида сугориладиган ерлар-ни ўзбошимчилик билан эгаллаб олишга йўл қўймас-лик бўйича чоралар кўрмаганлиги юзасидан 1971-моддаси киритилиб, ушбу моддага кўра, юқоридаги қонун бузилишларга йўл қўйганлик учун базавий иш ҳақининг 150 бараваридан 300 бараваригача ёки 5 йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш чоралари белги-лаб қўйилди.

Давергеодезикада кўмитасининг ер назоратчила-ри томонидан ўтказилган мониторинглар натижасида охириги 1 йил давомида 48 618 ҳолатда жами 11 161 гектар ер майдонлари юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўзбошимчилик билан ноқонуний эгаллаб олиниб, қонун бузилиш ҳолатлари содир этилгани аниқланиб тегишли чоралар кўрилмоқда.



Шуни билишимиз керакки, фермер ҳўжалигига ер майдони 30 йилдан кам бўлмаган 50 йилдан кўп бўлмаган муддатга ижарага фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилган.

Фермер ҳўжалиги тўғрисидаги қонуннинг 13-мод-дасига асосан фермер ҳўжалигига берилган ер участ-каларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдала-нилади.

Улар хусусийлаштирилиши, шунингдек, олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши ва иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмаслиги аниқ белгилаб берилганини ҳисобга олиб, фермер ҳўжалиги ижарага берилган ер майдони уй-жой ва бошқа нотурар бино-иншоотлар қурилиши учун ер майдонлари олди-сотди қилинмайди.

Агарда сиз фермер ҳўжалигидан 8 сотих ер сотиб олган бўлсангиз, тумандаги ҳеч бир мансабдор шахс қонунийлаштириб бериш бўйича ҳужжатларни рас-мийлаштириб беролмаслигини маълум қиламиз.

Агарда сиз ўзингизни алданган ҳисобласангиз ал-даганларга нисбатан чора кўриш ва етказилган зарар ҳамда сарф-харажатларни ундириб бериш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қи-лишингиз мумкин.

Саволларга Давергеодезикада кўмитаси матбуот котиби Неъмат Отамуродов жавоб берди.

ЎЗА асосида.

Ҳовлидаги қурилиш қонунийлигини қандай текшириш мумкин

Деразадан кўринадиган одатий манзара – хиёбон, болалар майдончаси ёки футбол майдони ўрнини янги бинонинг бетон девори эгаллашига ҳамма ҳам рози бўлмаса керак. Яқин орада қурилиш ишлари бошланса, камида икки йил азият чекишингиз: ишлаётган техника шовқини тинчлик бермаслиги, ҳамма ёқ лойга, чангга ботиши, бегона кишиларнинг кўпайиши тайин. Шаҳарларда «нуқтали қурилиш» (яъни қурилиш майдонида алоҳида қурилиш) ишлари олиб борилаётганига қарамай, қонун ҳужжатларида ушбу тушунчага таъриф берилмаган.

Қурилиш қонунийлигини текшириб кўришга қарор қилган бўлсангиз, ишни нимадан бошлаш керак

Қурилиш ишларини олиб бориш учун ўрнатилган белгиларни кўрсангиз, ҳудудда қурилиш паспорти бериладиганини текширинг. У билан танишиб чиқиб, объект ҳақида дастлабки ахборотга эга бўласиз. Қурилиш ишлари бошлангунча қадар участка чегараларида лойиҳа ишлаб чиқувчиси ҳақида, режалаштирилаётган қурилиш ва унинг муддатлари ҳақида маълумотлар кўрсатилган ахборот стенди ўрнатилмаган бўлса, маълумот олиш учун участка инспекторига ёки маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилинг.

Ишнинг янада самарали бўлиши учун маҳалла йиғини ҳузурида ташаббускор фуқаролар гуруҳини

тузинг. Ташаббускор гуруҳ ва унинг раҳбарини сайлаш учун умумий йиғилиш ўтказиб, унинг яқинида кўра баённома расмийлаштиринг. Йиғилишда ҳозир бўлганларнинг барчаси уни имзолаши керак. Келгусида ташаббускор гуруҳ ўз вакиллик органи – маҳалла йиғини орқали барча фуқаролар номидан давлат органларига мурожаат қила олади.

Ўзбекистонда бинолар қурилиши давлат мақсадли дастурлари доирасида ёки ер участкаси аукцион орқали сотиб олинганidan кейин хусусий тартибда олиб борилиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам қурувчида рухсат берувчи ҳужжатлар пакети бўлиши керак.



2. Қурувчининг ер участкасига бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилгани ҳақида гувоҳлик берувчи ҳужжат (Низомнинг 38-банди).

3. Ажратилган участка чегараларини жойида белгилаш далолатномаси.

Кадастр хизмати, туман (шаҳар) қурилиш бўлими ҳамда «ЎзГАСК-ЛИТИ» ДУК ер участкаси чегараларини натурда кўрсатади, яъни

участкани жойида белгилайди (Низомнинг 36-банди).

4. Лойиҳа-смета ҳужжатлари, улар шаҳарсозлик нормаларига мувофиқлиги ва зилзилага бардошлилиги бўйича архитектура хизмати, ёнгиндан сақлаш инспекцияси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари учун масъул бўлган хизматлар билан келишилган бўлиши керак (Маъмурий регламент, ВМнинг 18.05.2018 йилдаги 370-сон қарорига 4-илова).

Қурилишни бошлашдан олдин қурувчида бўлиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати:

I. Давлат мақсадли дастурлари доирасидаги қурилиш

1. Шаҳар ҳокимининг берилаётган участка чегараларининг режаси (схемаси) илова қилинган ер участкаси ажратиш ҳақидаги қарори (Низом 28-б., ВМнинг 28.01.2019 йилдаги 63-сон қарорига 2-илова).

Қарорда куйидагилар акс эттирилган бўлиши керак:

➢ маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарорида назарда тутилган объектни қуриш шартлари;

➢ ер участкаси кимга, қандай мақсадларда ва қандай муддатга (ер участкаси муайян муддатга вақтинча фойдаланишга ва ижарага берилганда аниқ муддат кўрсатилади) берилади, шунингдек, мавжуд бўлган тақдирда – олиб қўйилаётган (сотиб олинаётган) ер эгалари, мулкдорлари, фойдаланувчилари ва ижарачиларнинг номи;

➢ берилаётган ер участкасининг умумий майдони, ер турлари (мав-

жуд бўлган тақдирда), ер эгалари, мулкдорлари, фойдаланувчилари ва ижарачилар бўйича;

➢ ер участкаларининг эгалари, мулкдорлари, фойдаланувчилари ва ижарачиларига қопланиши керак бўлган зарарлар (мавжуд бўлган тақдирда) миқдорлари ва уларни қоплаш муддатлари;

➢ қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари (мавжуд бўлган тақдирда) миқдорлари ва уларни қоплаш муддатлари;

➢ ер участкасини рекултивация қилиш зарурати, ер участкасининг у олиб қўйилган эгалари, мулкдорлари, фойдаланувчилари ва ижарачиларига қайтариш шартлари (мавжуд бўлган тақдирда);

➢ тупроқнинг унумдор қатламини олиб ташлаш зарурати (мавжуд бўлган тақдирда);

➢ сув муҳофазаси, экологик, ёнгинга қарши, санитария шартлари ва талаблари (зарурат бўлганда).

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, башарти шаҳарсозлик фаолияти уларнинг манфаатларига дахл этадиган бўлса, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг жойлаштирилиши, лойиҳалаштирилиши, қурилиши, реконструкцияси ёки фойдаланишга топширилиши тўғрисидаги қарорнинг маъмурий ёки суд тартибиде бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга (Шаҳарсозлик кодекси 10-м. 5-қ.).

II. Давлат дастурларига киритилмаган қурилиш

1. «Yerelektron»даги онлайн-аукцион баённомаси, у ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи сотиб олинганидан далолат бериб, олди-сотди шартномаси кучига эга бўлади (ВМнинг 20.12.2019 йилдаги 1023-сон қарорига 1-илова 69-б.).

2. Қурувчининг ер участкасига бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганлигидан далолат берувчи ҳужжат (Низомнинг 69-банди).

3. Берилган участка чегаралари натурда белгиланганлиги тўғрисидаги ҳужжат (1023-сон Низомнинг 6-банди).

Кадастр хизмати, туман (шаҳар) қурилиш бўлими ҳамда «ЎзГАСК-ЛИТИ» ДУК ер участкаси чегараларини натурда кўрсатади, яъни участкани жойида белгилайди.

4. Инвестиция мажбуриятларини бажариш учун тармоқ жадвали (1023-сон Низомнинг 70-банди).

5. Лойиҳа-смета ҳужжатлари, улар шаҳарсозлик нормаларига мувофиқлиги ва зилзилага бардошлилиги бўйича архитектура хизмати, ёнгиндан сақлаш инспекцияси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари учун масъул бўлган хизматлар билан келишилган бўлиши керак (Маъмурий регламент, ВМнинг 18.05.2018 йилдаги 370-сон қарорига 4-илова).

Бундан ташқари, қурувчи иккала ҳолатда ҳам қурилиш-монтаж ишларини бошлаш тўғрисида хабарнома юбориши керак. Хабарнома келиб тушгач, қурилиш соҳасида назорат бўйича инспек-

ция сумма ва банк реквизитлари кўрсатилган инвойсни юборади (Маъмурий регламент, ВМнинг 18.05.2018 йилдаги 370-сон қарорига 5-илова).

Эътибор беринг, мазкур ҳужжатлар рўйхати қурувчи учун зарур, бироқ бу унинг тўлиқ эканини аниқлатмайди. Қурилиш ишларининг тури, мақсади ва йўналишига қараб ҳужжатлар рўйхатини тўлдирishi мумкин бўлган талайгина идоравий қонуности ҳужжатлар мавжуд.

Айни пайтда қандай давлат дастурлари амалга оширилаётгани ҳеч қандай эълон қилинмаслиги, ушбу дастурларда режалаштирилган қурилиш объектлари рўйхати мавжуд эмаслиги ҳам муаммони юзга келтирмоқда. Президентнинг топшириги тез ва аниқ бажарилишига умид қиламиз, ана шунда оддий кишилар ҳам барча қурилишлар, шу жумладан «нуқтали қурилиш» ҳақида ахборот олиш имконига эга бўладилар.

ОАВдаги хабарларга кўра, яқин орада ҳар қандай шахс қурилаётган объектлар ҳақида барча ахборот билан танишиб чиқиш имконига эга бўлади, боиси Президент қурилиш соҳаси янада шаффоф бўлиши учун уни рақамлаштириш ҳақида топшириқ берди. Қурилиш ташкилотлари ва фуқароларга етказилган пайтда қурилиш тартиби ва шарт-шароитлари ҳақида тўлиқ ахборот олиш имконини берувчи интерактив тизим ишга туширилади.

Нормаларга мувофиқлаштириш лозим

Ташкилотда битта қоровул ҳисобда туради. Унинг иш вақти тугаганидан кейин ўрнига бошқа ташкилотлардан сменадошлар келади. Қоровулнинг иш вақти эрталаб соат 8.00 дан кейинги кун эрталабки соат 8.00 гача, яъни суткада 24 соат белгиланган. 2 кун дам олинади. Табелда 16 ва 8 соат – ҳақиқатда ишланган вақт қайд этилади. Ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра қатъий белгиланган маош билан меҳнатга ҳақ тўланади.

Табелда қоровулнинг иш кунларини қандай тўғри кўрсатиш лозим?

– Куну тун ишланадиган иш режими (уч киши, икки кундан кейин бир сутка) ҳамда корхонада белгиланган 24 соатлик иш режими амалдаги қонун ҳужжатларига зиддир.

Иш вақти режими корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари, бошқа локал норматив ҳужжатлар билан, бу ҳужжатлар бўлмаганда эса, – ходим билан иш берувчининг келишувига биноан белгиланади. Бироқ кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати эса 12 соатдан ортиб кетмаслиги лозим (МК 120, 123-м.). Корхонангизда 24 соатлик иш режими белгиланганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари бузилади. Ушбу иш режимини қайта кўриб чиқишни ва уни нормаларга мувофиқлаштиришни тавсия этамиз.



Табель юритишга келадиган бўлсак, қонун ҳужжатларида иш вақти ҳисобга олинандиган ҳужжатлар тури ва мазмунига доир талаблар белгиланмаган. Одатда бундай ҳужжатлар иш вақтини ҳисобга олиш табеллари (журналлар, карточкалар) ҳисобланади. Улар ҳар куни, шунингдек бир марта муайян давр (ҳафта, ўн кунлик, ой ва ҳ.к.) учун расмийлаштирилади. Бу у ёки бу ходимларга нисбатан қўлланиладиган иш вақти режимига боғлиқ бўлади. Қоидага кўра, қоровуллар учун иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш қўлланади (МК 123-м.).

Табель корхонада белгиланган иш сменалари графигига мувофиқ ҳақиқатда ишланган вақт бўйича юритилади. Яъни ой (ҳисоб даври) беллангунига қадар сменали ишлайдиган ходимларнинг иш графиги тасдиқланади, унда кундузги ва тунги сменалар (ишнинг бошланиш ва тугаш вақти) кўрсатилади. Табелда ходимлар томонидан сменада ишланган ҳақиқий



соатлар сони кўрсатилади. Кундузги ва тунги сменалар учун алоҳида табеллар юритилиши лозим. Шунингдек табелда суткаларни кундузги ва тунги қисмларга бўлиш ҳамда ишланган тунги соатлар (22.00 дан 6.00 гача) учун ходимга икки ҳиссадан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш лозим. Иш вақтини ҳисобга олиш табелида иш куни (смена) давомидида ҳақиқатдан ишланган соатлар кўрсатилади, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффуслар бундан мустасно, улар иш вақтига киритилмайди (МК 127-м. 1-қ., 158-м.).

Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади (МК 157-м.).

Иш берувчи иш вақтини жамлаб ҳисобга олганда куйидаги асосий талабларни инобатга олиши лозим:

биринчидан, иш вақтининг (сменанинг) муддати 12 соатдан ортиб кетмаслиги лозим. Жорий иш куни (смена) тугаши ва кейингиси бошланиши ўртадаги дам олиш давомийлиги камида 12 соат бўлиши лозим;

иккинчидан, бир ҳафтада, ойда ёки бошқа календарь даврида ишланган вақт давомийлиги ходим учун ушбу даврда белгиланган иш вақти нормасидан ошмаслиги лозим;

учинчидан, ҳисоб даври мобайнида иш ва дам олиш кунлари сони, шунингдек кундалик иш вақти давомийлиги ўзгариши сабабли иш (смена) графиги иш соатлари кўрсатилган ҳолда тузилиши шарт.

Маълумотлар мос келмаганда

Ходимларни ЯММТ тизимида рўйхатдан ўтказишда муаммо юзага келган: айрим ходимларнинг ЖШШИР ва ШЖБПХ рақами тўғри келмаган. Бундай вазиятда қандай йўл тутуш керак?

– Меҳнат шартномаларини ЯММТда рўйхатдан ўтказишда ШЖБПХ рақамини кўрсатиш шарт эмас, балки ЖШШИР кўрсатилиши талаб этилади.

Ходим фақат паспорт маълумотлари ва ЖШШИР бўйича идентификация қилинади. Ҳаммаси тўғри кўрсатилган бўлса, ходимнинг Ф.И.О. ва яшаш жойи манзили автоматик тарзда пайдо бўлади.

ШЖБПХ рақами ЖШШИР рақами билан мос келмаслиги мумкин. Шу боис ЖШШИР рақамидан фарқ қиладиган ШЖБПХ рақами киритилганда тизим ходимингизни топиб беролмаслиги мумкин.

ШЖБПХ (шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи) ва ЖШШИРни (биометрик пас-

портда кўрсатилган жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами) чалкаштирмаслик лозим. Тизимда жисмоний шахснинг идентификатори айнан ЖШШИР ҳисобланади, у бутун ҳаёти давомидида ўзгаририлмайди. Шу сабабли, ҳатто ходимнинг Ф.И.О. ўзгарганда, бу ЯММТда акс эттирилмайди, сабаби барча маълумотлар ЖШ-ШИРга боғлиқдир.

Тизим билан ишлашда у ёки бу шакллари тўлдиришда мураккаблиklar юзага келган тақдирда, «Иловани кўрсатинг» ва «Тизим бўйича ёрдам кўрсатиш» махсус бўлимларидан фойдаланиш мумкин. Уларда батафсил тушунтиришлар берилган. Шунингдек Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Электрон меҳнат шартномалари ва Электрон меҳнат дафтарчалари» онлайн-тизимларига кўмак кўрсатиш хизматларига +998 71-200-70-30 рақами орқали мурожаат қилиш мумкин.

Ходим мустақил равишда ШЖБПХ очилган Халқ банкига мурожаат қилиши ҳамда ШЖБПХ ва ЖШШИР маълумотлари мос келмаганлиги сабабини аниқлаши мумкин.

Таътилнинг таътилдан фарқи бор

МЧЖ бош бухгалтери 10 ой ишлаганидан кейин ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқяпти.

У ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўла туриб, тўлиқ иш ҳақи олган ҳолда масофадан туриб ишлашга ҳақлими?

– Ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида ходима ишлашга ҳақли эмас.

Корхонанинг меҳнат шартномасини тузган ҳар бир ходимасига, эгаллаган лавозимидан ва корхонадаги иш стажидан қатъи назар, ҳомиладорлик ва туғиш таътили давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тўланган ҳолда тақдим этилади (МК 233-м.).



Ушбу таътил даврида аёл меҳнат фаолиятини юритиш ҳуқуқига эга бўлмайди, сабаби у меҳнатга лаёқатсиз ҳисобланади – унга вақтинчалик меҳнат лаёқатсизлик варақаси берилган бўлади, бу эса иш берувчига унинг ишлашга рухсат беришига йўл қўймайди. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тўланган ҳолда иш ҳақи тўланиши мумкин эмас.

Аёл болани 3 ёшга тўлгунга қадар парвариш-лаш таътилида бўлган даврда у тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки уйда ишлаган тақдирда, болани 2 ёшгача парвариш-лаш нафақасини олишга ҳақли бўлади (МК 234-м.).

Директор бош бухгалтернинг ишдан бўшатилишини чеклаганда

Директор ўз ихтиёрига кўра меҳнат шартномасига бош бухгалтер ҳисобот даври якунланганидан кейин ишдан бўшаши мумкинлиги ҳақидаги шартни киритмоқчи бўлганда қандай йўл тутиш керак? Меҳнат шартномасида ҳисоботларни тайёрлаш ва топшириш даврида ишдан бўшаши мумкин эмаслиги, акс ҳолда жарима тўланиши белгиланган. Ҳаётда ҳар хил жиддий вазият юзага келиши мумкин-ку, ахир...

Бундай меҳнат шартномасини имзолаш зарурми?

– Бундай меҳнат шартномасини имзоласанлик керак, сабаби у меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зиддир. Бухгалтер билан тузилган меҳнат шартномасида унинг ҳуқуқлари ва кафолатлари норматив ҳужжатларда белгиланган даражадан паст бўлмаслиги позим (МК 73-м. 3-қ.).



Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ишдан бўшаётган ходимни, шу жумладан ишни якунламаганлиги, ишдан бўшаиш варақаси имзоланмаганлиги, ходимда ҳисобда турадиган моддий қимматликлар топширилмаганлиги сабабли ушлаб туришга йўл қўйилмайдиган (ОСПнинг 17.04.1998 йилдаги 12-сон қарори 15-б. 5-хатбошиси).

Бироқ сиз бундай шартномани имзоласангиз ва оқибатда ўзингиз хоҳлаган вақтда ишдан бўшашга қарор қилсангиз, бу ҳақда директорни 2 ҳафта олдиндан хабардор қилган ҳолда бемалол ишдан бўшашингиз мумкин.

Иш берувчи ҳатто судга мурожаат қилганда ҳам сиздан жарима ундира олмайди, имзоланган шартнома банди қонунга зид бўлганлиги сабабли ушбу бандга асосан ҳисобот даври якунлангунга қадар ишлаб беришингизни талаб қила олмайди.

Ишдан бўшашда икки ҳафталик огоҳлантириш муддати сизга ҳам татбиқ этилади. Қонунда ушбу муддатни узайтириш назарда тутилмаган. Ҳатто сиз ҳисоботларни топши-



риш муддати ишлаб берадиган даврингизга тўғри келмаганлиги сабабли навбатдаги ҳисоботларни топширмаган бўлсангиз ҳам иш берувчи сизни 2 ҳафтадан ортиқ ушлаб қолиши мумкин эмас.

Директор барча ҳисоботлар топширилмагунга қадар сиздан аризани олишни рад этса, аризани расман топширинг. Буни куйидаги 2 усулда амалга ошириш мумкин:

➤ аризани девонхона ёки котиб орқали бериб юборинг – ўзингиздаги нусхасига имзо қўйдириб олинг. Шу пайтдан 2 ҳафталик муддат (огоҳлантириш муддати) бошланади;

➤ аризани почта орқали жўнатиш – манзили бўйича топширилганлиги ҳақида хабарномани олинг. Огоҳлантириш муддати ариза олинган санадан бошланади.

Мазкур ҳолатда иш берувчида сизни ушлаб туришга ҳеч қандай сабаб қолмайди. У барча ходимлар учун белгиланган муддатда ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ чиқариши, ҳисоб-китобни амалга ошириши ва қўлингизга қоғоз

шаклидаги меҳнат дафтарчасини (агар у мавжуд бўлса) топшириши шарт.

Директор сизга меҳнат дафтарчасини беришни рад этса ёки ҳисоб-китоб қилиш чоғида топширилмаган ҳисоботлар учун жарима ушлаб қолса, бу сизнинг ҳуқуқларингизни қўпол равишда бузиш ҳисобланади. Бундай ҳуқуқбузарлик ҳолати ҳақида меҳнат инспекциясига хабар қилишингиз мумкин:

➤ Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг **mehnat.uz** расмий сайтига онлайн-мурожаатнома юборган ҳолда;

➤ (+998 71) 200-06-00 рақамли ишонч телефонида кўнғироқ қилган ҳолда;

➤ шахсан келган ҳолда.

Ёдда тутиш: меҳнат инспекциясига мурожаат қилиш сизнинг ҳуқуқ ва манфаатларингизни ҳимоя қилиш учун фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Меҳнат низолари бўйича даъволардан давлат божи олинмайди («Давлат божи тўғрисида»ги Қонуннинг 8-м. 1-қ. 1-б.).


«Таътилда турибоқ» ишдан бўшаш мумкинми?

Бош бухгалтер таътилда бўлган вақтида ишдан бўшашга қарор қилди ва дарҳол ўз хоҳишига биноан ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзди. У таътилдан қайтгандан кейин белгиланган 2 ҳафта муддат ишлаб бериши керакми?

– Ишдан бўшашга аризани сиз таътилда ёки касаллик таътилида бўлган вақтингизда беришингиз мумкин. 2 ҳафталик огоҳлантириш муддати ўтгандан кейин, ҳатто ушбу бутун давр таътил ёки касаллик кунларига тўғри келган тақдирда ҳам сизни ишдан бўшатишлари керак.

Меҳнатга оид қонунчилик ходимга ишдан бўшаш ҳақида 2 ҳафта олдин огоҳлантириш мажбуриятини юклайди (МК 99-м.), бу одатда қабул қилинганидек «2 ҳафта ишлаб бериш» мажбуриятини англатмайди.

Огоҳлантириш муддатига фақат иш кунлари эмас, балки календарь бўйича барча кунлар қиради (ОСПнинг 17.04.1998 йилдаги 12-сон



қарори 15-б. 4-хатбошиси). Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризани ходим исталган вақтда, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, таътилда, хизмат сафарида бўлган даврда ва ҳоказоларда топширишга ҳақлидир. Кўрсатилган даврларнинг ҳаммаси меҳнат шартномасининг бекор қилиш тўғрисида белгиланган огоҳлантириш муддатига ҳисобланади (Намунавий қоидаларнинг 2.27-б.,

АВ томонидан 14.06.1999 йилда 746-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Меҳнат шартномасини таътиллар ёки вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида бекор қилишга тақиб фақат иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатишда амал қилади (МК 100-м.).

Камига, сизнинг 2 ҳафталик муддатингиз меҳнат қонунчилигида белгиланган объектив сабаблар туфайли қисқариши мумкин (МК 99-м. 5-қ.). Айнан:

➤ ўқишга киришда;

➤ пенсияга чиқишда;

➤ бошланадиган лавозимга сайланганда;

➤ бошқа мамлакатга доимий яшаш жойига чиқиб кетишда.

Саволларга «Norma» компаниясининг юридик масалалар бўйича экспертлари – Альберт Сафин ва адвокат Элеонора Мазурова жавоб бердилар.

Ҳисоботни тақдим этмаганлик учун жарима

Нодавлат нотижорат ташкилотлар Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади ва шу вазирликка ҳисобот топширишлари лозим.

Адлия вазирлигига ҳисобот топширмаганлик учун жазо чоралари маъжудми?

– Нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ҳисобот тақдим этилмаганлиги учун жарима тарзидаги жазо чоралари назарда тутилган.

Адлия вазирлиги, солиқ ва статистика органларига фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш ННТ мажбуриятига киради («Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 8-м. 1-қ. 7-хатбошиси, 33-м.).

ННТ, шунингдек унинг алоҳида бўлинмалари ҳар йили 1 февралгача ўтган йилдаги ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган шакл бўйича тақдим этиши лозим (Низомнинг 47-банди, ВМнинг 10.03.2014 йилдаги 57-сон қарорига 1-илова; Ҳисобот, АВ томонидан 27.06.2018 йилда 3027-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

ННТ томонидан Адлия вазирлигига фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этмаганлик, шу жумладан ўз вақтида тақдим этмаганлик ҳолатлари мансабдор шахсларга БҲМнинг 15 бараваридан 30 бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади (МЖТК 239-м. 6-қ.).

Сақлаш хизматларига ҳақ тўлаш

Корхона 1 йил муддатда бепул асосда товарни сақлаш шартномасини тузишга ҳақлими? Ёки сақлаш хизматлари учун ҳақ тўлаш лозимми?

– Корхона 1 йил муддатда бепул асосда сақлаш шартномасини тузиши мумкин.

Сақлаш шартномасида сақловчиға ҳақ тўлаш назарда тутилган. Бироқ сақлаш шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ҳақ тўлаш тўғрисидаги қоида диспозитив тусга эга бўлади. Товарни сақлаш муддати томонларнинг келишувига кўра белгиланади (ФК 878-м. 1-қ., 885-м. 1, 5-қ.).




Интеллектуал мулк ва унга бўлган ҳуқуқ

Ишлаб чиқилган ахборот маҳсулотига бўлган мулк ҳуқуқни қандай мустаҳкамлаш мумкин?

Юридик шахслар учун

Маҳсулот муаллифи билан шартнома тузган ҳолда, мулк ҳуқуқни мустаҳкамлаш мумкин.

Ахборот маҳсулотлари - фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига мувофиқ тайёрланган ва фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган ёки қўлланиладиган ҳужжатлаштирилган ахборот (Низомнинг 5-банди, ВМнинг 26.03.1999 йилдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган). Ахборот маҳсулоти – бу инсоннинг интеллектуал фаолияти натижаси. Яъни жисмоний шахс ахборот маҳсулоти муаллифи ҳисобланади (ФК 1046-м. 1-қ.; «Муаллифлик ҳуқуқлари ва аралаш ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси 15-хатбошиси).



Наргиза Воҳидова, «Norma» МЧЖ эксперти.

Юридик шахс ахборот маҳсулотига бўлган ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан шартнома тузиш орқали ушбу маҳсулотга бўлган мулк ҳуқуқини ўзига ўтказиши мумкин (ФК 1035-м. 1-қ.; Қонуннинг 19-м. 2-қ.). Бу, агар мутлақ ҳуқуқлар муайян даврга ўтказилаётган бўлса, лицензион шартнома (ФК 1036-м.) ёки муаллифлик шартномаси бўлиши мумкин. (ФК 1067-м.)

Жисмоний шахслар учун

Ахборот маҳсулоти муаллифига шахсий мулк ва номулк ҳуқуқлар тегишли бўлади (ФК 1033-м.). Яъни улар ахборот маҳсулоти ишлаб чиқилган пайдан бошлаб автоматик тарзда муаллифда вужудга келади.

Мутлақ муаллифлик ҳуқуқи эгаси бу ҳақда маълум қилиш учун муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш белгисидан фойдаланиши мумкин – ©, муаллиф номи ва дастлабки эълон қилинган йил (ФК 1050-м.).

Қонун ҳужжатларида ахборот маҳсулотлари рўйхати мавжуд эмас, бироқ маълумотлар базаси бундай маҳсулот сифатида қаралганда муаллиф Интеллектуал мулк агентлигига буюртма бериш орқали давлат реестрида рўйхатдан ўтказиши мумкин («Электрон ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базаси дастурларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддаси 1-қ.).



Мулк ҳуқуқни мустаҳкамлаш учун жисмоний шахс – ахборот маҳсулоти муаллифи бўлмаган шахс ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан лицензион ёки муаллифлик шартномасини тузади (ФК 1035-м.; 1056-м. 2-қ.; «Муаллифлик ҳуқуқлари ва аралаш ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуннинг 19-м. 2-қисми).

Маълумотлар базасига бўлган мулк ҳуқуққа доир шартнома, масалан, томонларнинг келишувига кўра Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказилиши мумкин («Электрон ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базаси дастурларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 9-м. 6-қ.; Қоидаларнинг 2-банди, АВ томонидан 17.06.2005 йилда 1481-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

«Адлия билан мулоқот» орқали муаммоларга ечим топиш мумкин

ХАБАР

Фуқароларнинг муурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш, уларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ҳар бир давлат органи ва бошқа ташкилотларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Адлия вазирлиги бу йўналишда аҳолида қандай муаммолар борлигини тизимли равишда ўрганиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича изчил фаолият олиб бормоқда.

Бунинг учун аҳолидан турли воситалар орқали ке-

лаётган муурожаатларни ўрганиш, ариза ва шикоятлар қабул қилиш билан чекланмай, ижтимоий тармоқларда ҳам бевосита мулоқотлар амалга оширилмоқда.

Вазирлиқнинг facebookдаги «Адлия билан мулоқот/Диалог с юстицией» гурӯҳида «Пандемия шароитида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқи кафолатлари» мавзусида «On-line» мулоқот ташкил этилди.

«On-line» мулоқотда фуқаролар томонидан пандемия шароитида ишга жойлашиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш ва иш ҳақини ундиришга оид 30 дан ортиқ муурожаат келиб тушди.

Мазкур муурожаатлар Адлия вазирлиги масъул ходимлари томонидан кўриб чиқилиб, жойларга чиққан ҳолда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари кўрилди.

Жумладан, 2 нафар фуқарога қарийб 11,5 млн сўмлик иш ҳақи ўз вақтида тўлаб берилмаганлиги аниқланди ва қонун ҳужжатларини бузган ташкилотларга иш ҳақи ундирилишини таъминлаш бўйича тақдимномалар киритилди.

ЎЗА Асосида.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Раъно
ИСМАИЛОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш. Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш
масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр қўрсаткичи – 186. Қўғоқ биями – А3. Ҳақини – 2 босма табэк. Баҳорини келишилган нархда.
Буюртма 8-822. Адади 560. Газета 2020 йил 17 август соат 15.30 да топширилди.